

кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор;
Тилавов А.— А. Навоий номидаги Тил ва университети доценти,
филология фанлари номзоди,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ



Рўйхатга олинди: № МД-5А120101

2020 йил 29 08

ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ ПОЭТИКАСИ (ТУРКИЯ)

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000 – Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000 – Гуманитар фанлар
Мутахассислик:	5А120101 – Адабиётшунослик (шарқ тиллари)

Тошкент – 2020

Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
9. Аҳмад қабокли. Турк адабиёти. Истанбул, 1997.

Ахборот манбалари

10. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
11. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
12. www.има.uz (О`збекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги)
13. www.асадемй.уз (Фанлар академияси)

7. Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 йил “28” 08 даги 4 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “28” 08 даги 452 - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.

8. Фан/модул учун масъуллар:

Алимбеков А. – ТошДШУ “ Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик” кафедраси доценти.

9. Такризчилар:

Муҳибова У. – ТДШУ “Жанубий ва жануби-шарқий Осиё тиллари”

В.П.

	уларнинг корейс халқи тафаккур тарзига таъсири масалаларин англаб етиш; бадиий образнинг реал ҳаёт билан алоқаси қонуниятларини тадқиқ этиш ҳақида <i>тасаввур ва билимга эга бўлиши</i>; •турк адабиётида қўлланиладиган бадиий тасвир воситалари, бадиий санъатлар, портретлар ҳақида билиши; турк мумтоз ва замонавий адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва унинг башарият тараққиётидаги улуши; янги шеъриятда шоир дунёсининг кашфини англаш, насрий ва назмий асарларнинг ғоявий тематикасини аниқлаш, ижодкор ва давр муносабатлари бўйича <i>қўнималарига эга бўлиши</i>; •талаба турк ва жаҳон адабиётидаги жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш; давр маҳсули – санъат асарини ўрганиш; поетикага таъсир кўрсатган адабиётнинг ғоявий-поетик мазмунини тўғри талқин қилиш; турк адабиётида турли ижтимоий-маиший шароитда яратилган асарлар поэтикасини фарқлай олиш тўғрисида аниқ <i>малакаларига эга бўлиши керак</i>.
4.	VI. Таълим технологиялари ва методлари: • маърузалар; • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (манتيкий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • такдимотлар тайёрлаш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва химоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	VII. Кредитларни олиш учун талаблар: Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.
6.	Асосий адабиётлар 1. Шарқ мумтоз поэтикаси. Тошкент, 2006 2. Алимбеков А. Турк адабиёти. Ташкент, 2014. 3. А.Алимбеков. Л. Аминова. Турк адабиёти. Ташкент, 2015. Қўшимча адабиётлар 4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Фан/модул коди	Ўқув йили	Семестр	ECTS - Кредитлар	
5ASAP225	2020-2021	2	5	
Фан/модул тури	Таълим тили		Ҳафтадаги дарс соатлари	
Мажбурий	Ўзбек		4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлари (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Шарқ адабиётида поэтикаси (Туркия)	60	90	150
2.	I. Фаннинг мазмуни Фанни ўқитишдан мақсад – талабада ўрганилаётган мамлакатат халқининг миллий руҳи, мафқураси ва ижтимоий онгининг шаклланишиш жараёнлари тарихи ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлган ҳолда мазкур мамлакат халқи миллий руҳига, адабий жараёнларга, турли адабий оқим ваа йўналишларга, таниқли адиблар ижодига тўғри баҳо бериш кўнимасинини ҳосил қилиш бўйича билим, кўнимка ва малака шакллантиришдир. Фаннинг вазифаси – талабаларга турк адабиётшунослиги масалалари, бадиий асар тили, услуби, жанр хусусияти, насрий ва назмий жанрлар доирасида илмий муаммолар ва уларни таҳлил қилишни, ижодкор ва давр муносабатлари, ижтимоий-маиший шароитда яратилган наср ва назм поэтикасини тадқиқ қилиш ва хулоса чиқаришни ўргатишдан иборат. II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари) II.1. Фан таркибига қуйидаги мавзулар қиради: 1-мавзу. Поэтиканинг асосий тушунчаси. Тарихий очерк Поэтика тушунчасининг мазмун-моҳияти. Бадиий матн тузилиши ва бадиий адабиёт тили ҳақидаги фан. Тарихий поэтика. 2-мавзу. Санъат хусусиятлари Санъат – инсон маънавий маданияти ва онг оқими тури сифатида. Санъат –табиатга тақлид. Ҳаётни образларда ифодалаш. Образлар тури. Санъат турлари ва унинг ўзига хосликлари. 3-мавзу. Бадиий ва тарихий турк назми: Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, М. Боқий қарашлари Анъанавий қарашлар ва Европа таъсирида шаклланган янги адабий назария. Шеърий шакллар. 4-мавзу. Янги турк насри. Жанрий ўзгаришлар.			

Европалашув жараёни. Миллий маданиятни такомиллаштириш учун кураш. Дидактик наср. Маърифатпарварлик даврининг етакчи мавзулари.

5-мавзу. Турк кичик насри -ҳикояда образлар тизими ва сюжет-композиция поэтиканинг ўзига хос хусусияти сифатида

Турк эпик жанри турлари. Замонавий насрнинг ўзига хос хусусиятлари. Асарлар мавзуининг ўзгариши. Янги насрнинг ўзига хосликлари.

6-мавзу. Танзимот даври турк адабиёти поэтикаси (1860-1895-йиллар)

Ватан ва ватан истиклоли учун курашга йўғрилган шеърият поэтикаси. Шоирлар идеал даражаси. Ижод табиати мураккабликлари.

7-мавзу. 1900-1920-йиллар: мафкуравий кураш ва адабиёт ўртасидаги мунозарали масалалар

Ҳикоя жанрининг услубий хилма-хиллиги. Адабий гуруҳлар.

8-мавзу. 1930-1940-йиллар турк насри поэтикаси

Фаол курашчи-қаҳрамонлар янги образи турлари. Мустақиллик ҳақида мунозарали масалалар. Миллат муаммоларининг чуқурлашуви.

9-мавзу. Ўрта асрлар турк назми поэтикаси

Адабий жараёнлардаги жанрий ранг- барнглик. Девон адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.

10-мавзу. Турк шеърияти жанрлар эволюцияси

Рубоий, газал, қасида, дoston жанрларининг ўзига хос хусусиятлари.

11-мавзу. Танзимот шеърияти тузилишида янги шакллар

1860- 1895 йиллар шеъриятида ижтимоий йўналиш. Ғарбчиликнинг адабий ўзига хосликлари.

12-мавзу. Маърифатпарварлик даври турк назми поэтика

Тил софлиги учун кураш. “Адабиёт адабиёт учун”, “Сарвати фунунчи”лар

13-мавзу. Турк миллий адабиёт эстетикаси

Умар Сайфиддин, Холида Адиб, Р.Г Гунтекин ижоди.

14-мавзу. Турк романчилигининг миллий хусусиятлари

Сабоҳиддин Али, ижоди. Турк кишлоқ насри. Адабиётдаги ғоявий курашлар.

15-мавзу. 1960-йиллар турк насри поэтикаси

Яшар Камол, Ўрхон Камол, Самим Кўжағўз асрлари поэтикаси.

17-мавзу. 1970-йиллар турк назми поэтикаси

Нозим Ҳикмат, Ф.Х. Доғларжа шеърияти поэтикаси

18-мавзу. 1980-йиллар насрининг ўзига хосликлари
ЭАзиз Несин сатираси. Ўрхон Памук асарлари поэтикаси.

III. Амалий машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ҳикоялар тузилишининг композицион хусусиятлари ва сюжет ривож динамикаси (У.Сайфиддин, С. Али ҳикоялари)
2. Р. ГН. Гунтекин романларида ижтимоий-ахлоқий коллизия
3. Яшар Камол романларида образлар тизими ва бадий конфликт хусусиятлари

4. Турк ҳикоячилигида образлар тизими. Ҳикояларида бурч ва бахт, маънавий муаммолар

5. Турк шеъриятида жанрий хусусиятлар.

6. Турк романчилигида ижтимоий муаммолар.

7. Турк модернизми.

8. Турк драматургияси.

9. Турк шеъриятида ижтимоий муаммоларнинг кўтарилиши.

10. Турк адабиётшунослигида маҳорат масалаларининг акс этиши.

Амалий машғулотлар мултимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Турк шеърияти бадийати. Бадий санъатлар.
2. Турк романчилиги бадийати. Образлар тизими.
3. Танзимот даври адабиётининг асосий ғояси.
4. XX аср турк шеърияти ўзига хос хусусиятлари.
5. XX аср турк нарининг ўзига хос хусусиятлари .
6. Турк модерн адабиёти.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

3. V. Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)

Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:

•турк тилида адабий асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш; бадий адабиётда шиддатли ўзгаришлар натижасида ўзгарган инсон қарашлари, тушунчалари, қадриятларини ажрата олиш; сўнгги юз йил ичида мамлакатда рўй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар ва